

**Хошимов Пазлиддин Зукурович,**  
Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти,  
иқтисодиёт фанлари номзоди  
**Шамсиева Юлдуз Олимовна,**  
Ўзбекистон Миллий университети 3-курс  
талабаси

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

УДК: 004.9.:33:37 (575.1)

## **ХОШИМОВ П.З., ШАМСИЕВА Ю.О. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА**

Мақолада “интеллектуал салоҳият” ва “мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти” тушунчаларига тавсифлар берилган, интеллектуал салоҳият категорияси бўйича турли ёндашувлар келтирилган. Унда инсон омилнинг жамиятни ривожлантиришдаги ўрни ва ролини ошириш, билимларни капиталлаштиришни ўстириш, илм сифимкорлиги юқори бўлган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти ижтимоий-иқтисодий категория ва иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида кўриб чиқилган, интеллектуал салоҳиятнинг таркиби ва кўрсаткичлари келтирилган.

Таянч иборалар: интеллект, салоҳият, интеллектуал салоҳият, илмий салоҳият, ахборот технологиялари, интеллектуал иқтисодиёт, жамиятнинг интеллектуал фаолияти, мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти, интеллектуал меҳнат, интеллектуал капитал, инсоннинг интеллектуал қобилияти, интеллектуал таълим, илмий-тадқиқот салоҳияти.

## **ХОШИМОВ П.З., ШАМСИЕВА Ю.О. ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЙ ПОТЕНЦИАЛ КАК СОЦИАЛЬНО- ЭКОНОМИЧЕСКАЯ КАТЕГОРИЯ**

В статье даётся характеристика понятиям «интеллектуальный потенциал», «интеллектуальный потенциал страны», приводятся различные подходы по интеллектуальному потенциалу как экономической категории. Особое внимание уделено вопросам места и повышения роли человеческого фактора в развитии общества, роста капитализации знаний, увеличения объёма наукоёмкой продукции и услуг. В нём интеллектуальный потенциал страны рассматривается как социально-экономическая категория и важный фактор экономического развития, приводятся структура и показатели интеллектуального потенциала.

Ключевые слова: интеллект, потенциал, интеллектуальный потенциал, научный потенциал, информационные технологии, интеллектуальная экономика, интеллектуальная деятельность общества, интеллектуальный потенциал страны, интеллектуальный труд, интеллектуальный капитал, интеллектуальные способности человека, интеллектуальное образование, научно-исследовательский потенциал.

**KHOSHIMOV P.Z., SHAMSIEVA YU.O. INTELLECTUAL POTENTIAL AS A SOCIO-ECONOMIC CATEGORY**

There is given in the article description of the concepts of "intellectual potential", "the intellectual potential of the country", provides various approaches to intellectual potential as an economic category. Special attention is paid to the issue of the place and the increasing role of the human factor in the development of society, the growth of the capitalization of knowledge, and the increase in the volume of high technology products and services. The intellectual potential of the country is considered as a socio-economic category and an important factor in economic development, the structure and indicators of intellectual potential are given in the article.

Keywords: intelligence, potential, intellectual potential, scientific potential, information technology, intellectual economy, intellectual activity of society, intellectual potential of the country, intellectual work, intellectual capital, human intellectual abilities, intellectual education, research potential.

**Кириш.**

Жамиятнинг интеллектуал салоҳияти – бу унинг ғояларни генерация қилиш имконияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига янгиликлар киритиши ва бу билан илгарига ҳаракат қилиш учун шароитлар яратишидир. Технологик жараён инсоннинг таълим, илмий (янги билимлар) ва техник (кашфиётлар, конструкци-ялаш) фаолияти билан таъминланадиган техно-ген цивилизация шароитида фан ва технология соҳасида инсон капиталидан фойдаланиш, яъни олимлар, муҳандислар, конструкторлар, техниклар, юқори малакали ишчилар фаолияти моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда. Цивилизациялашган ривожланишни таъминлаш бевосита жамият интеллектуал салоҳиятининг ҳолатига боғлиқ.

Маълумки, АҚШ ва Европа етакчи мамлакатлари ривожланишининг базавий методологияси айнан инсон капиталига асосланган бўлиб бу капитал уларда миллий бойлигининг 70-80 фоиздан кўпроғини ташкил этади<sup>1</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор янги жамиятни барпо этишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Республикаимизда миллий интеллектуал шакллантиришнинг учта асосий жиҳатлари мавжуд. Булар, таълим тизимини ривожлантиришда сифат ўзгаришларига эришиш, фанни ривожлантириш ва мамлакат илмий салоҳиятини ошириш, инновацион тизимни ривожлантириш.

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Интеллектуал салоҳиятни ошириш, бунда инсон оми-

лининг роли ва аҳамиятини кучайтириш жаҳон ривожланишидаги ҳозирги босқичнинг муҳим хусусияти бўлиб, унинг асосини юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кишилар ташкил этади.

Республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек "Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш. Уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз"<sup>2</sup>.

Глобаллашув ва иқтисодий ривожланишнинг бир маромда кечмаётганлиги шароитида нафақат алоҳида инсон, балки бутун жамиятнинг интеллектуал салоҳияти ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ҳолат фанталаб маҳсулотлар ҳажмининг ошиб боришида, товарлар ва хизматлар қиймати таркибида билимлар капиталлашувининг ўсишида намоён бўлади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Интеллектуал салоҳиятнинг моҳияти, уни шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари хорижлик олимлар Багдасаров И.И., Лагутина Л.Г., Кунгурцева Г.Ф.; Леонидова Г.В., Слободчикова И.В., Боджаева В.В., Бредникова Л.Ф., Третьякова Т. И., Минаев М., Петров

<sup>1</sup> [edu.gov.kz/ru/press\\_sluzhba/vys-tuplenija\\_ministra/vystuplenie/?tx\\_ttnews%5Btt\\_news%5D=2503&cHash=56cf75727dcd4fcc6ad-8006c5f66a61e](http://edu.gov.kz/ru/press_sluzhba/vys-tuplenija_ministra/vystuplenie/?tx_ttnews%5Btt_news%5D=2503&cHash=56cf75727dcd4fcc6ad-8006c5f66a61e)

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: "Ўзбекистон", 2018. 2-том. – Б. 491.

Д. ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.<sup>1</sup> Республикамизда ушбу йўналишда олимлардан Абулқосимов Х.П., Хашимов П.З., Ибадуллаева Г.П., Шайхова Х., Юсупов Б.Э., Набиев Э.С.<sup>2</sup>

**Тадқиқотнинг мақсади** интеллектуал салоҳиятнинг иқтисодий категория сифатидаги мазмун ва моҳиятини янада кенгроқ ёритиш, унинг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини аниқлаш, мамлакат интеллектуал салоҳиятини ошириш бўйича илмий тақлифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Мақолани тайёрлаш жараёнида диалектик, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, илмий абстракция усулларидан фойдаланилди.

### **Асосий натижалар.**

Интеллектуал салоҳият – бу аввало субъектнинг қобилиятлари, ресурслари ва захиралари, интеллектнинг ҳаракатлантирувчи кучлари, мотивациялари ва эҳтиёжлари соҳаси, инсоннинг уму-

мий қобилиятлари ва унинг ижодий фаолияти маҳсулдорлигини энергетик таъминлаш билан боғлиқ бўлган тушунчадир.

Шунингдек, интеллектуал салоҳият – бу тизимли хосса бўлиб, у аниқланишининг кўпгина йўналиши ва турли даражасига эга. Инсон интеллектуал салоҳиятининг моҳиятини интеллектнинг – ҳаётий фаолият ва интеллектнинг – шахс ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш асосида очиб бериш мумкин. У инсоннинг индивид, шахс ва фаолият субъекти сифатида ривожланиши давомида шаклланади ва жамғарилиб боради.

Интеллектуал салоҳият тушунчаси инсон фаолиятига тегишли бўлиб унинг ташувчиси бўлиб субъект ҳисобланади. Салоҳият субъект ҳолатини маълум турдаги ва сифатдаги фаолиятни амалга ошириш имконияти нуқтаи назардан тавсифлайди. Бундай имкониятлар жамият томонидан, унинг тарихий ривожланиш давомида яратилиб, турли омиллар бирлиги ва ўзаро алоқадорлигининг мажмуи билан белгиланади.

Инсон фаолияти салоҳиятни ишга солиш жараёнидир. Инсон қачонки зарурий билим ва малакага, яъни унга ўз ишини сифатли бажариш имконини берувчи салоҳиятга эга бўлса, шундагина у мутахассис ва ўз касбининг устаси бўлиб ҳисобланади. Бу ўта муҳим ҳолат. Чунки интеллектуал салоҳият доим содир бўлиши мумкин бўлган жараёнларни кутиши билан боғлиқ. Энг оддий ҳолатда, агар одам унга бўлган ишончни оқламаса, бу шуни англатадики, ёки унга ҳалақит беришган, ёки унинг салоҳияти нотўғри баҳоланган.

Таъкидлаш лозимки, интеллектуал салоҳият ўта мазмунли ва етарлича мураккаб тушунчадир. Олдинлари ундан ижтимоий билим категорияси сифатида эмас, балки кўп ҳолларда бошқа маънода, яъни метафора сифатида фойдаланишган. Ҳозирда вазият ўзгарди. Постиндустриал дунёда айнан интегратив бутунлик сифатида тан олинаётган юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган мамлакатлар етакчилик қилмоқдалар. Ҳозирги замондаги жамият ҳаётида интеллектуал салоҳиятга алоқадор бўлган фан, таълим, янги ахборот технологияларининг роли ошиб бормоқда. Иқтисодиётлари билимга асосланган (интеллектуал иқтисодиёт) ривожланган мамлакатларнинг индустриалдан янги индустриал, ахборотлашган жамиятга ўтишлари, биринчи қаторга инсон фаолиятининг интеллектуал жиҳатларини олиб чиқмоқда.

<sup>1</sup> Багдасаров М.И. Интеллектуальный капитал в системе корпоративных отношений: автореф. дисс. ...к.с.н./ М.И. Багдасаров. – М.: 2008.; Лагутина Л.Г. Управление интеллектуальным потенциалом региона в условиях формирующейся инновационной экономики: макроэкономический аспект: автореф. дисс. ...к.э.н. / Л.Г.Лагутина. – М.: НОУ ВПО “Московский институт экономики, менеджмента и права”, Кунгурцева Г.Ф. Интеллектуальный потенциал как основа Современного управления // Социум и власть. 2011. -№ 1.; 2009.; Леонидова Г.В. Интеллектуальный потенциал населения: теоретико-методологические аспекты исследования. // Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. 2014. - № 1.; Слободчикова И.В., Боджаева В.В. Интеллектуальный потенциал молодёжи как фактор развития экономики региона. // Фундаментальные исследования. 2015. - № 11.; Бредникова Л.Ф. Интеллектуальный потенциал в инновационном развитии современной организации. // Вектор науки. ТГУ. 2012. - № 4.; Третьякова Т.И. Интеллектуальный капитал человека. // Вестник Самар. Гос.техн.ун-та. Серия “Экономические науки”. 2013. - № 3.; Минасов М., Петров Д. Интеллектуальный ресурс как экономическая категория. // Экономика и управление: научно-практический журнал. 2017.- № 4.

<sup>2</sup> Абулкасимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. – Т.: ТМИ нашриёти, 2005. – 225 б.; Хашимов П.З., Ибадуллаева Г.П. Интеллектуальный потенциал как важный фактор социально-экономического развития страны. // Современное образование. 2014. - № 4.; Шайхова Х. Интеллектуал салоҳият – тараққиёт мезони. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 112 б.; Юсупов Б.С., Набиев Э.С. Интеллектуал салоҳиятлари кадрлар тайёрлашнинг илмий назарий асослари // Таълим, фан ва ишлаб чиқаришда интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўрни. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2015 йил 9-10 июнь. – Б.136-138.

1-расм. Интеллектуал салоҳиятни такрор ишлаб чиқариш манбалари<sup>1</sup>.



Интеллектуал салоҳиятни такрор ишлаб чиқариш манбалари қуйидаги расмда келтирилган.

Интеллектуал салоҳият – мамлакат, тармоқ ва шахснинг интеллектуал имкониятлари, ресурслари ривожланиши даражасининг мажмуавий тавсифидир. Уни ўрганишга икки томонлама ёндашиш мумкин:

- билимларга эга бўлган, фаолиятлари билиш ва ўзгартиришларни амалга оширишга йўналтирилган кишилар йиғиндиси сифатида;

- жамият мақсадларига эришиш воситаси бўлган, моддий-техник шакллар ва белгилар тизимларида моддийлашган илмий, техник, ижтимоий, маданий билимларнинг жамламаси сифатида.

Интеллектуал салоҳият мазкур жамият, ундаги таълим ва маориф тизими, фан, маданият, генетик фонднинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.<sup>2</sup>

Мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини тавсифлаш учун, аҳоли таълимидан ташқари бевожита интеллектуал меҳнат билан шуғулланувчи ёки меҳнатларида интеллектуал таркибнинг улуши юқори бўлган фаолият билан шуғулланувчи кишилар гуруҳини ажратиш талаб этилади. Айнан ана шу гуруҳлар мамлакат интеллектуал салоҳиятининг такрор ишлаб чиқарилишини таъминлайдилар ҳамда ишлаб чиқариш ва интеллектуал фаолиятнинг турли соҳаларидаги янгиликларнинг манбаи бўлиб ҳисобланадилар.

Олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда қуйидаги хулосалар келтирилади. Интеллектуал салоҳиятни ишга солиш қобилиятига эга бўлган аҳоли улуши индексини ҳисоблаш учун иқтисодийда интеллектуал меҳнат

билан банд бўлганлар сони ва олий ўқув юрларида таҳсил олаётган талабалар сони қўшилади. Натижада интеллектуал салоҳиятни ишга солиш қобилиятига эга бўлган аҳоли сони келиб чиқади. Бундан кейин унинг аҳоли умумий сонига улуши топилади. Мазкур кўрсаткичнинг максимал даражаси сифатида АҚШ интилаётган – 55%; минимал даражаси сифатида эса ривожланган мамлакатларда – 45% дан паст бўлмаганлар олинган.<sup>3</sup>

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг икки соҳаси мавжуд: моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш: оила, мактаб, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш тизими, инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётини сақлаш, соғлом ва муносиб турмуш тарзи учун шароит яратиш. Бу соҳаларда интеллектуал меҳнатнинг улуши шунингдек юқоридир. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш тизимида кишиларнинг кўпчилиги банд бўлиб, муҳандислар билан бир қаторда ўқитувчилар ва шифокорлар кўпчиликни ташкил этади ва улар интеллектуал меҳнат билан шуғулланадилар.

Интеллектуал меҳнат ходимлари турли ижтимоий ва касбий гуруҳлар вакиллари. Уларни умумий бирлаштирувчи восита бу касбий фаолиятнинг интеллектуал тавсифга эгалигидир. Бироқ аҳолининг бу қатлами турлича таркибга эга. Унда интеллектуал элита ажралиб туради. Унинг вакиллари, одатда, нафақат касбий билим эгалари, балки бу билимни ижодий ривожлантириш, уларга янгилик киритиш қобилиятига эга бўлган кишилардир. Уларни Фарбда интеллектуаллар деб атайдилар.

Ўзбекистоннинг бойлиги – унинг улкан табиий ресурслари, гўзал маданияти, маънавий имкониятлари, интеллектуал ва илмий-техник салоҳиятидир. Республикамиз Президенти

<sup>1</sup> Нестеров Л.В., Аширова Г.Т. Национальное богатство и человеческий капитал. // Вопросы экономики. – 2003, - № 2. – С.103. асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

<sup>2</sup> Аглямова Г.Р. Интеллектуальный потенциал молодого города: структура, содержание, социальные функции // «Общество и экономика», 1999, № 5-6. – С.12.

<sup>3</sup> Макашева Н.П., Нестерова О.А. Оценка интеллектуального потенциала на рынке труда Томской области. // Вестник Томского государственного университета, 2011, № 2. – С. 14.

Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари, энг аввало, шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятидан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ”<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув режалари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, барча даражадаги ўқув муассасаларида таълим сифатини ошириш, иқтидорли ёшларнинг мансаб ва касбий ўсишидаги барча тўсиқларни бартараф этиш имконини беради. Бу ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш мамлакатимизда фанни ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

Жамиятнинг интеллектуал салоҳияти мамлакатнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Бу нафақат алоҳида инсоннинг, балки бутун жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ўрганиш заруритини келтириб чиқаради. Жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини мамлакатни иқтисодий ривожлантириш омиллари тизимида киритишни асослаш учун унинг мазмуни, таркиби, функциялари ва ҳажмини ўлчаш услублари бўйича тегишли назарий, методологик ва методик ишланмаларни яратиш лозим. Бироқ, ҳозирги кунга қадар бу масалаларга етарли даражада эътибор берилмаган, жамият интеллектуал салоҳиятининг мазмуни, шаклланиши ва ундан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

Сўнги йилларда интеллектуал салоҳият тушунчаси турли иштимой субъектлар ва даражалар: жамият, ҳудудлар, ижтимоий-иқтисодий тизимоти бўғинлар, ташкилотлар жамоалар ва бошқаларга нисбатан қўлланиб келинмоқда. Интеллектуал салоҳият ижтимоий-иқтисодий категориясидан турли илмий тадқиқотларда, бир томондан, инсон ва меҳнат салоҳияти, интеллектуал меҳнат, интеллектуал капитал, бошқа томондан, асосида юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган инсон-ходим турувчи фан ва ахборот технологиялари билан боғлиқ бўлган иқтисодиётда содир бўлаётган трансформацион жараёнлар нуқтаи назаридан фойдаланиш кузатилмоқда.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъий билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 1-том. – Б.168.

Ҳозирги вақтда интеллектуал салоҳият ижтимоий-иқтисодий категориясини тадқиқ қилишда унга ёндашувдан фойдаланилмоқда:

- иқтисодий - интеллектуал салоҳият ёрдамида янги маҳсулот яратиладиган ва сотиладиган инсоннинг билимлари ва интеллектуал қобилиятлари мажмуи билан белгиланади;
- ижтимоий-иқтисодий - интеллектуал салоҳият маълум натижаларга эришиш учун қарорларни қабул қилишга қодир бўлган тизим (мамлакат, минтақа, корхона) сифатида тадқиқ қилинади;
- ижтимоий - шахснинг интеллектуал салоҳияти ва унинг мазмуни кўриб чиқилади, шунингдек жамият интеллектуал ҳаётининг асосий таркибий қисмлари, жумладан, фан ва таълим тизимлари ўрганилади.

Интеллектуал салоҳиятнинг бу тавсифлари бир бирини тўлдирган ҳолда унинг таркибий асосини ташкил этадилар. Бизнинг фикримизча, интеллектуал салоҳиятнинг таркибини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

- жисмоний салоҳият;
- таълим салоҳияти;
- илмий-тадқиқот салоҳияти;

Жисмоний салоҳиятни қуйидаги кўрсаткичлар тавсифлайди:

- интеллектуал салоҳиятни амалга ошириш қобилиятига эга бўлган аҳоли улуши;
- аҳолининг ўртача умр кўриши ёши;
- соғлиқни сақлашга ҳаражатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.

Таълим салоҳияти шу билан тавсифланади, ходимнинг маълумотга эга бўлиши, касбий маҳорати, юқори малакаси иқтисодиётни модернизациялаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларини белгилайди.

#### **Хулоса ва таклифлар.**

Интеллектуал салоҳият қуйидаги икки таркибий қисмга эга: амалга оширилган ва амалга оширилмаган. Амалга оширилган интеллектуал салоҳият тўғрисида гапирилганида биз ҳозирги вақтда ходимнинг меҳнат фаолияти жараёнида фойдаланиладиган имкониятларининг бир қисмини назарда тутамиз, масалан, унинг маълумоти, билими, касбий малакаси ва ҳ.к. Амалга оширилмаган салоҳият (ривожланиш салоҳияти) оптимал шароитларни ҳисобга олган ҳолда, қатор омиллар таъсирида юзага чиқади. Мисол учун, интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш ходимни иш берувчининг бевосита манфаатдор-

лиги ёки барқарор ривожланаётган иқтисодиёт томонидан унинг касбий-малакавий даражасига янги талабларнинг қўйилиши муносабати билан ўқитиш орқали амалга оширилади.

Интеллектуал салоҳиятнинг мазмунини тўлдириш бўйича турли ёндашувларни ўрганган ҳолда бу салоҳиятни тавсифловчи қўшимча тушунчалар сифатида қуйидагиларни таклиф эта- миз: меҳнат, таълим ва илмий-тадқиқот салоҳияти.

Интеллектуал меҳнат тавсифи интеллек- туал салоҳиятдан бевосита меҳнат фаолия- тида фойдаланиш даражасини акс эттиради. Миқдор жиҳатидан мазкур тавсиф интеллектуал салоҳиятни амалга ошириш қобилиятига эга бўлган аҳолининг улушида ифодаланади.

Интеллектуал салоҳиятнинг кейинги тавсифи – таълим билан боғлиқ. Ходим маълумотининг

даражаси ва сифати меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятларини белгилайди. Масалан, оддий техник саводхонлик кўпгина механизм- лар билан тўлдирилган социомаданий соҳада ишловчи ходимлар учун ҳам зарур.

Интеллектуал салоҳиятнинг илмий-тадқиқот тавсифи бевосита меҳнат унумдорлигининг оши- шига таъсир кўрсатадиган кашфиётлар, патентлар, рационализаторлик таклифларда намоён бўлади.

Илмий салоҳиятни илмий-тадқиқот салоҳияти сифатида талқин қилишни таклиф этамиз, чунки мазкур индикаторни киритишдан мақсад – тадқиқотчилик лаёқатининг меҳнат фаолияти пировард натижаларига таъсирини кўрсатиб беришдан иборат.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент, 1997 йил 29 август.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: "Ўзбекистон", 1-том. 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: "Ўзбекистон", 2-том., 2018.
4. Аглямова Г.Р. Интеллектуальный потенциал молодого города: структура, содержание, социальные функции // Общество и экономика, - 1999, - № 5-6.
5. Макашева Н.П., Нестерова О.А. Оценка интеллектуального потенциала на рынке труда Томской области. // Вестник Томского государственного университета, - 2011, - № 2.
6. Нестеров Л.В., Аширова Г.Т. Национальное богатство и человеческий капитал. // Вопросы экономики. – 2003, - № 2.
7. [edu.gov.kz/ru/press\\_sluzhba/ vys-tuplenija\\_ministra/ vystuplenie/? tx\\_ttnews %5Btt\\_news%5D=2503&cHash= 56cf75727 dcd4fcc6ad-8006c5f66a61e](http://edu.gov.kz/ru/press_sluzhba/vys-tuplenija_ministra/vystuplenie/?tx_ttnews%5Btt_news%5D=2503&cHash=56cf75727dcd4fcc6ad-8006c5f66a61e)
8. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
9. [www.qov.uz](http://www.qov.uz)